

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ								
1.	Тўлиқ:		KAFIL-SUG'URTA” акциядорлик жамияти					
	Қискартирилган:		“KAFIL-SUG'URTA” АЖ					
	Биржа тикерининг номи:*		мавжуд эмас					
2.	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
	Жойлашган ери:		100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй					
	Почта манзили:		100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй					
	Электрон почта манзили:*		info@kafil.uz					
	Расмий веб-сайти:*		www.kafil.uz					
3.	МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
	Муҳим фактнинг рақами:			06				
	Муҳим фактнинг номи:			Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар, шу жумладан кузатув кенгашининг акция, корпоратив облигация ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш бўйича қарорлари				
	Умумий йиғилиш тури:			Кузатув кенгаши мажлиси				
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:			17.12.2024 й.				
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:			17.12.2024 й.				
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой:			Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй				
	Умумий йиғилиш кворуми:			100 фоиз				
	№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш яқунлари					
			ёқлаш		қарши		бетарафлар	
			%	сони	%	сони	%	сони
	1.	“KAFIL-SUG'URTA” акциядорлик жамиятининг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш, қўшимча акцияларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш, қўшимча чиқарилаётган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартларини белгилаш ҳамда Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.	100	3	0	0	0	0
	Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
	1.	1. “KAFIL-SUG'URTA” акциядорлик жамиятининг устаф фонди (устав капитали) миқдори номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 15 000 000 (ўн беш миллион) дона дона умумий қиймати 15 000 000 000 (ўн беш миллиард) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан 45 701 000 000 (қирқ беш миллиард етти юз бир миллион) сўмдан 60 701 000 000 (олтмиш миллиард етти юз бир миллион) сўмга етказилсин. “KAFIL-SUG'URTA” акциядорлик жамиятининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 15 000 000 (ўн беш миллион) дона умумий қиймати 15 000 000 000 (ўн беш миллиард) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари ёпиқ обуна орқали муомалага чиқарилсин ҳамда мазкур қўшимча чиқарилаётган акцияларнинг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартлари қуйидагича белгилансин: 1) Чиқарилаётган акциялар Жамият акциядорларининг имтиёзли равишда олиш ҳуқуқи қўлланилган ҳолда акциядор “KICHIK SANOAT MARKAZI” МЧЖга (СТИР: 305351668) ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади;						

2) Чиқарилаётган акциялар ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 (уч юз олтмиш беш) кун давомида жойлаштирилади:

- акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хабар ва акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи тўғрисидаги билдиришнома қонунчиликка мувофиқ эълон қилинган кундан эътиборан ўн биринчи кун, бироқ имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунида бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади;
- акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 (уч юз олтмиш беш) кундан ошмаслиги лозим;

3) Чиқарилаётган акциялар уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмайди.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагунига қадар чиқарилаётган акциялар имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштирилмайди.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар “KICHIK SANOAT MARKAZI” МЧЖга ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади;

4) Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.

Акциядор ушбу чиқарилишдаги акцияларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Жамият акцияларини имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати 2024 йил 17 декабрь куни ҳолатига шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

Жамият акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида оммавий ахборот воситаларида билдиришномани эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни олишни таклиф этади.

Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Жамиятга тақдим этилиши керак.

Акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди;

5) Чиқарилаётган акциялар, шу жумладан имтиёзли ҳуқуқ бўйича 1 000 (бир минг) сўмдан жойлаштирилади;

6) Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида фақат пул маблағлари билан нақдсиз шаклда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда акциялар учун тўловлар нақд шакли кўзда тутилмайди.

Акциялар тўланишига келиб тушадиган нақдсиз шаклдаги пул маблағлари кўчирилиши лозим бўлган Эмитентнинг банк реквизитлари – банк номи: “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти (қисқа номи: Ўзмиллийбанк), банк манзили: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 101-уй, банк таркибий бўлинмиси номи: “Академия” банк хизматлари маркази (қисқа номи: “Академия” БХМ), банк таркибий бўлинмиси манзили: 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 29-уй, ҳисобварағи: 20216000004335717001, банк коди (МФО): 00450 бўйича қабул қилинади;

	7) Чиқарилаётган акцияларнинг олтмиш фоиздан кам қисми жойлаштирилганда, ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб эътироф этилади. Ушбу акциялар чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга ошмаган деб топилган тақдирда, Жамият томонидан ушбу ҳолат тўғрисида маълумот оммавий ахборот воситаларида, Корпоратив ахборот ягона порталида ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Акциялар учун тўланган маблағлар акциядорларнинг аризасида кўрсатилган банкдаги ҳисобварағига ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб, 10 (ўн) кун давомида тўлиқ ўтказиб берилади. “KAFIL-SUG’URTA” акциядорлик жамиятининг Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бошқарув раиси Ф.А.Артиков зиммасига “KAFIL-SUG’URTA” АЖ акциялари қўшимча чиқарилишини қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни таъминлаш вазифаси юклатилсин.
--	--

Бошқарув раиси

Ф.А. Артиков

Бош бухгалтер

Н.Б. Дадажанов

**Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахс – Ахборот технологиялари
департаменти директори**

Ш.М. Ахмедов